

---

## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР МИЛЛИЙ КООРДИНАТОРЛАРИ КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ФАРҒОНАГА ЕТИБ КЕЛИШДИ

Жорий йил 25-28 апрель кунлари Фарғона шаҳрида бўлиб ўтадиган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар Миллий координаторлари кенгаши (ШХТ МКК)нинг навбатдаги йиғилиши иштирокчилари Фарғонага етиб келишди.

ШХТ Бош котибининг махсус вакили Нурали Ирзаев, ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси директори ўринбосари Ахат Мукашев, ШХТга аъзо давлатлар Миллий координаторлари – Али Ерлик (Қозоғистон), Казыбек Кочконов (Қирғизистон), Бахтиёр Ҳакимов (Россия Федерацияси), Ахмад Саидмуродзода (Тожикистон), Раҳматулла Нурибетов (Ўзбекистон), Ҳиндистон вакили Сатиш Кумар ва Покистон вакили Хуррам Пакистаний, шунингдек ШХТга аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирликлари масъулларини Фарғона халқаро аэропортида вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Хуршиджон Аҳмедов, Алибек Турсунов, шаҳар ҳокими Восилжон Назаров ва бошқа расмийлар кутиб олдилар.

ШХТ Миллий координаторлари кенгашининг навбатдаги йиғилиши эртага 25 апрель куни ўз ишини бошлайди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-04-24 16:46:51